# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 29 июнь, № 126 (5800) Шанба


# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Руминия Бош вазири Виктор-Виорель Понта 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди.*

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон — Руминия муносабатларининг ҳуқуқий асосини ўндан зиёд ҳужжат ташкил этади. Бу ҳужжатлар орасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт, маданият, илм-фан ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар бор. Мамлакатларимиз ўртасида савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда.

Музокарада Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги муносабатларни янги мазмун билан бойитиш, мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг мулоқоти ва қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди. Жорий йилнинг 26 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Руминия ишбилармонларининг учрашуви мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганини кўрсатди.

Виктор-Виорель Понта Руминияда Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралишини қайд этди.

— Румынияда Ўзбекистоннинг бой тарихига, халқингизнинг қадимий қадриятлари, анъаналари ва маданиятига юксак ҳурмат ва эҳтиром билан қаралади, — деди Руминия Бош вазири. — Бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳани, жумладан, иқтисодиётни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бераётган юксак самаралардан хабардормиз. Ўзбекистон билан Руминия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари катта.

(Давоми 2-бетда).



## Саноат корхоналарининг янгиланиши

**ишлаб чиқариш кўламининг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда**

ИСЛОҲОТ

Мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фаолияти тўхтаб қолган кўплаб саноат корхоналари қайта оёққа туриб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Қарши шаҳридаги “Санам” масъулияти чекланган жамияти — шундай корхоналардан бири. У 2005 — 2008 йиллар давомида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмагани учун иқтисодий ночор (банкрот) ҳолатида, деб эълон қилинган эди. “Сарбон кафолат сервис” МЧЖ томонидан қўшимча инвестициялар киритилиб, корхонанинг мулкчилик шакли ўзгартирилгач, дастлаб солиқ ва солиққа тенглаштирилган тўловлар, ойлик маошлари, муддати ўтган кредиторлик қарзлари қопланди. Сўнгра ишлаб чиқариш цехлари капитал таъмирланиб, хориждан 75 та замонавий тикув дастгоҳи келтирилди. Касаначилик йўлга қўйилиб, 300 га яқин иш ўрни яратилди. Натижада ўтган йили 2 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллардан бошлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мулкчилик тузилмасида туб ўзгаришлар юз бериб, иқтисодиётимизда хусусий сектор улуши тобора ортмоқда. Ўтган давр мобайнида 31 мингдан зиёд давлат корхона ва объектлари мулкчилик шаклини ўзгартиргани ана шундан далолат беради.*

**Хусусийлаштириш:**

## Юксалиш одимлари

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Таъкидландики, мазкур қўмита хўжалик юритувчи субъектларнинг низом жамғармасидаги давлатга тегишли актив ва акция улушларини хусусий мулкка сотиш, бу борада ошкораликни таъминлаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг янги шакл ҳамда усулларини жорий этиш сингари вазифаларга катта эътибор қаратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Бўш иш ўринлари ярмаркаси

*Бухоро шаҳрида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида қатнашган фуқаролардан 337 нафари ўз ихтисослиги ҳамда қизиқишига мос иш билан таъминланди. Эътиборлиси, улардан 169 нафари касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.*

БАНДЛИК

Баҳодир Рустамов ҳам ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиб, бўлажак меҳнат жамоаси билан шартнома имзолади. Коллежни битирган ушбу йигит, ҳадемай, “Бухороэлектртармоқлари” очиқ акциядорлик жамиятида иш бошлаб, мазкур ташкилотнинг энг ёш монтёрига айланади.

— Бир қатор манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган меҳнат ярмаркасида 185 та корхона ва ташкилот жами 1709 та бўш иш ўрни билан иштирок этди, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси масъул ходими Ботир Қурбонов. — Ишга йўлланма олган фуқаролардан ташқари, яна 600 кишига меҳнат қонунчилигига оид ҳуқуқий тушунчалар ҳам берилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҚОНУН ВА ИЖРО

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ижросига бағишланган анжуман ўтказилди. Унда манфаатдор идоралар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.*

## Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолати

Кейинги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, яъни йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, аҳоли ва болалар ўртасида профилактик тадбирларни ўтказиш, транспорт воситалари техник ҳолатини ва йўллар аҳволини яхшилаш, йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини кенг тарғиб қилиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кўмак, рағбат, эътибор

*Озод ва обод юртда яшаш — бахт. Албатта, бундай гўзал ҳамда фаровон мамлакатимизда рўй бераётган ислоҳотлар энг улуғ неъмат — тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Хотиржам юртга эса тўй-томошалар, байрамлар ярашади.*

ДИЛ СЎЗИ

Шу маънода, куни кеча биз, журналистлар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини катта кўтаринкилик билан нишонладик. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг табриклари барчамизга зўр кайфият ва мамнуният бахш этди. Табрикда қалам аҳлига алоҳида ҳурмат ва юксак ишонч билдирилганки, бундай эътибор бизга туганмас илҳом, куч-ғайрат бағишламоқда. Чунончи, Президентимиз табригидаги ушбу эътироф ҳамкасбларимизни, айниқса, тўлқинлантириб юборди: “Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди”.

Дарҳақиқат, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларни холисона ёритиш, ўсиб келаётган, онгу тафаккури энди-энди шаклланаётган ёшларимизни тўғри йўлга бошлашда матбуотнинг таъсири беқиёс. Шу боис айтадиган ҳар бир сўзимизда холисликка таяниб, ҳақиқатни қарор топтиришга интилишимиз бугун ҳар қачонгидан-да зарурдир. Ўз навбатида, бу тайёрлаётган кўрсатувларимизнинг қизиқарли бўлиши учун асос вазифасини ўтайди. Айниқса, материалларимизда Президентимиз томонидан белгилаб берилган Концепциядаги талабларни дастуриламал деб билишимиз ва шу асосда фаолият кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ.

Бугун давр ўзгарди. Жамиятимиздаги янгиланишларни холис ва тезкор, таъсирчан қилиб ёритишда зиммамизга юксак талаблар қўйилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ФЕСТИВАЛЬ

*Наманганда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан “Аёл зийнати — миллат кўзгуси” мавзуида фестиваль бўлиб ўтди. Хотин-қизлар ҳамда вояга етмаган ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ёш авлодни миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган либосларни тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган тадбирда ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси, турли маданий-маърифий дастурлар намойиш этилди.*

## «Аёл зийнати — миллат кўзгуси»

Вилоят марказидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган фестивалда шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган 600 нафардан зиёд ҳунарманд ҳамда тадбиркор аёллар, намунали уй бекалари ўзлари тайёрлаган ҳунармандчилик буюмлари, шу жумладан, миллий либослар, тотли таомлари билан қатнашди. Тадбир доирасида ўндан ортиқ номинацияда танловлар ташкил қилинди. Боғдаги “Наврўз” амфитеатрида намойиш этилган бадиий дастурда фольклор жамоалари томонидан ижро этилган халқ қўшиқлари, ёш ижрочиларнинг эстрада йўналишидаги чиқишлари кўнгилларга кўтаринкилик бағишлади.

Фестиваль ниҳоясида ҳунарманд ва тадбиркор аёлларнинг ижодий ишлари баҳоланиб, номинациялар бўйича ғолиблар эълон қилинди. Жумладан, Наманган шаҳридаги “Nilufar elit” ўқув маркази “Энг намунали ўқув маркази”, чустлик Марғуба Неъматуллаева “Энг яхши ҳунарманд аёл”, Учқўрғон туманидан Ҳамида Тиллабоева хонадони “Энг намунали ёш тадбиркор оила”, шу тумандан Мамнуна Абдумухторова “Энг яхши миллий либос устаси” дея эътироф этилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

**Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларнинг экспорт ҳажми**

**161,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди.**

Иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш, ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштираётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилгани натижасида ана шундай ижобий кўрсаткич қўлга киритилди.

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ташрифларни янада фаоллаштириш зарур. Руминия мамлакатингиз компаниялари билан юқори технологиялар, электр энергетикаси, ахборот технологиялари каби кўплаб йўналишларда ҳамкорлик қилишга, Ўзбекистон бозорида ўз ўрнини топишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон — Руминия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболига оид кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди. Ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари атрофлича таҳлил этилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон билан Руминия ўртасида иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

Шу куни Руминия Бош вазири Виктор-Виорель Понта Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Руминия Бош вазири Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу муаззам майдонда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Виктор-Виорель Понта Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Маърифат маркази"ни бориб кўрди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Кўмак, рағбат, эътибор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткични 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир. Жумладан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Маданият ва маърифат", "Дунё бўйлаб", "Болажон" телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги муҳим қадамдир.

Юртбошимиз табригида, шунингдек, журналистлар фаолиятига, аввалмбор, уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, гражданлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо берилиши ва бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳо, дея эътироф этилиши барчамизни ўз ишимизга қатъият ҳамда масъулият билан ёндашишга ундайди. Қувонарлиси, бугун бунга эришмоғимиз учун юртимизда барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Ҳозир нафақат пойтахтда, балки республикамиз вилоятларида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда, ҳамкасбларимиз турли танловларда иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишаяпти. Буларнинг барчаси ушбу машаққатли соҳада меҳнат қилувчи фидойи ҳамкасбларимизнинг ижод завқидан баҳраманд бўлиб, ҳавас қилса арзигулик муваффақиятларни қўлга киритишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

**Барчиной ЖЎРАЕВА,**
**«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиби,**
**ЎзМТРК «Дунё бўйлаб» телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# Фуқаролик жамияти ва ОАВ

*Пойтахтимизда "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ОАВнинг ўрни ва ролини ошириш масалалари ва журналист масъулияти" мавзуида марказий ҳамда ҳудудий ОАВда фаолият юритаётган журналистлар учун семинар ўтказилди.*

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, таҳририятлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳа вакилларининг ихтисослашувини таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Семинарда Президентимизнинг куни кеча Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида журналистлар олдига қўйилган устувор вазифалар хусусида сўз юритилиб, ўтган даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, демократик янгиланишлар жараёни, энг муҳими, одамлар тафаккури ва онгини юксалтиришда оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда соҳа вакилларининг фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг ҳаққоний сўзи орқали адолатли ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, оммавий ахборот воситаларининг бугунги тезкор даврдаги ролини ошириш, журналистнинг фуқаролик позицияси ва касбий фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни жорий этиш заруратига ҳам тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Бироқ шиддат билан ўтиб бораётган замон соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Тадбирда давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши белгиланган соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатлари мазмун ва моҳияти тушунтирилиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши тўғрисида маълумотлар берилди.

Шунингдек, семинарда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ОАВнинг роли ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш баробарида, аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли кўринишдаги маънавий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги масъулиятини ошириш ҳамда бу борада замонавий усуллардан фойдаланиш ҳақида экспертлар томонидан аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

**Зиёда АШУРОВА.**



# Саноат корхоналарининг янгиланиши

## ишлаб чиқариш кўламининг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эркаклар кўйлаклари, чойшаблар, болалар кийимлари, кўрпа-тўшак жилдлари шулар жумласидандир.

— Бугунги кунда дунё бозорида пахта толасидан тайёрланган кийимларга талаб тобора ортиб бораяпти, — дейди жамият бошқаруви раиси Мавлуда Юлдашова. — Шу боис корхонамизда ишлаб чиқариш қувватини 150 фоизга ошириш ҳисобига жорий йилда 3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашни режалаштирганмиз. Ўтган даврда эса умумий қиймати 1 миллиард сўмликдан ортиқ тикувчилик маҳсулотлари савдо дўконларига чиқарилди. Бунда, албатта, Назира Пардаева, Сагдулла Бобоқулов, Ғулом Орзиев, Остонақул Аллаёров, Соҳиба Ортиқова каби ташаббускор дизайнер ва тикувчиларнинг ҳиссаси катта.

Бугунги кунда 600 кишилик жамоа томонидан салкам 40 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишчиларнинг аксарияти ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларини битирган ёш йигит-қизлар эканлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Мухтасар айтганда, Қашқадарё вилоятида йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор туфайли "Санам"га ўхшаб ёруғ йўлга чиқиб олган ишлаб чиқариш субъектлари сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса иқтисодиётимиз янада ривожланиши, аҳоли турмуши бугунгидан-да обод бўлишидан далолатдир.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# Мажмуада замонавий хизматлар

*Пискент тумани марказида икки қаватли муҳташам савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушганидан ҳудуд аҳли мамнун.*

## ҚУЛАЙЛИК

"Саломат барака" номини олган ушбу маскан тадбиркор Фаррух Алиев саъй-ҳаракати ҳамда тижорат банкининг 600 миллион сўмлик кредити ҳисобига барпо этилди. Айни пайтда бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-рўзғор ва хўжалик анжомлари савдосидан тортиб, аҳолига тамаддихона, дорихона, сартарошхона, суратхона, маиший буюмлар устахонаси, электрон тўловлар каби ўндан ортиқ замонавий хизматлар кўрсатилмоқда. Энг муҳими, ўттиздан зиёд иш ўринлари юзага келди.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида туманда фаолият бошлаган хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларида қарийб 150 кишининг бандлиги таъминланди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хусусийлаштириш:

# Юксалиш одимлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилнинг ўтган даврида 55 та давлат активи 10 миллиард 481,3 миллион сўмга 1 миллиард 960 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш, 28 та давлат мулки объекти эса 34,1 миллиард сўм ва 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан "ноль" харид қийматида сотилгани бунинг тасдиғидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 майдаги "Давлат мулки объектларидан келгусида самарали фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга 1187 та давлат мулки объекти рўйхати тасдиқланиб, улардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, 155 та давлат активида инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторинг қилинганида, ҳозирги кунгача уларда 243 миллион АҚШ доллари ва 125 миллиард сўмлик мажбуриятлар бажарилгани маълум бўлди. Саккизта шартнома бўйича эса бу мажбурият тўлиқ уддаланган. Шундай корхоналардан бири пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган "BF Textile Production" хорижий корхонаси ҳисобланади. Гап шундаки, сармоядорга замонавий йигирув-тўқув корхонасини ишга тушириш учун умумий миқдори 19 миллион АҚШ долларилик инвестиция мажбурияти берилган эди. Айни пайтда сармоядор бу ерга 19,2 миллион АҚШ долларилик инвестиция киритиб, корхонанинг йиллик қувватини 12 минг тоннага етказиб, яна 300 дан зиёд кишини иш билан таъминлади.

Давлат мулкининг хусусийлаштирилиши соҳага салоҳиятли мулкдорларни жалб қилиш баробарида, корхоналарни модернизациялаш, уларда ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, аҳоли турмушини фаровонлаштиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Йўл ҳаракати хавфсизлигининг ҳуқуқий кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолияти мисолида ҳам буни кўриш мумкин. Маълумки, мазкур агентлик йўл ҳаракати хавфсизлиги борасидаги учта ваколатли органдан бири ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари автотранспорт хизматини амалга оширишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалиётга киритиш ва уларнинг ижросини назорат қилишдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, ўтган даврда 180 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Уларнинг асосий қисмини ҳукумат қарорлари, давлат стандартлари, раҳбарлик ҳужжатлари, қоидалар, низомлар, меъёрлар ташкил этади.

Шунингдек, агентлик Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"-ги Қонуни янги таҳририни ишлаб чиқишда фаол қатнашди. Ҳозирги пайтда Президентимиз томонидан 2013 йилнинг 10 апрелида имзоланиб, кучга кирган ушбу ҳужжат ижроси билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар кўрилаётир. Аниқ айтадиган бўлсак, Қонун талаблари асосида фуқаролар ҳаётини ва соғлиғини сақлаш, автотранспорт воситаларига эга бўлган корхона ва ташкилотлар жавобгарлигини ошириш, фуқаролар томонидан йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва пировардида йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишини таъминлашга қаратилган режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бунда, аввало, иш берувчининг ҳайдовчилар малакасини ошириш билан боғлиқ масъулиятини кучайтириш, тегишли тадбирларни молиялаш, ҳайдовчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини айтиш зарур.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тадбиркор ташаббуси

*Янгибозор тумани Чўбалончи қишлоғидаги тикувчиликка ихтисослаштирилган "Абдулла Кумушой" хусусий корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.*

## ИЗЛАНИШ

Яқинда тадбиркор Муқаддас Ваисова раҳбарлик қилаётган ушбу корхонага 50 миллион сўм банк кредити эвазига қўшимча 20 та замонавий тикув дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Натижада яна 20 нафар хотин-қиз иш ўрнига эга бўлди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 90 миллион сўмлик 30 турдан ортиқ тикувчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бинобарин, айни кунларда корхона чеварлари учун янги ишлаб чиқариш биноси қурилаяпти. У фойдаланишга топширилгач, имкониятлар кўлами янада кенгаяди.

Умуман, Янгибозор туманида жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 1420 та иш ўрни яратилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТУРИЗМ

*Кўҳна заминимиз бағридаги бетакрор тарихий-маданий ёдгорликлар бугун жаҳон аҳлини ўзига ром этмоқда. Юртимизда туризм индустриясини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги эса тарихий шаҳарларимизга сайёҳлар оқимини янада кўпайтираётир.*

# Дунё нигоҳидаги замин

— Кейинги йилларда кўҳна Термиз тарихига қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда, — дейди "Ўзбектуризм" Миллий компаниясининг Сурхондарё вилояти Сайёҳлик ва экскурсия бюроси бошлиғи Зафар Намозов. — Жумладан, куни кеча Жанубий Корея Миллий музейи ходимларидан 25 нафари мамлакатимизнинг жанубидаги олтин дарвозасига ташриф буюришди. Сайёҳлар дастлаб Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасида бўлдилар. Улар мажмуа ёнидаги Эски Термиз ёдгорлигида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти ҳамда Франция илмий тадқиқотлар маркази қошидаги "Эколь нормал суприэр" археологик лабораторияси ҳамкорлигида ташкил қилинган археологик экспедиция фаолияти билан яқиндан танишишди. Сўнгра меҳмонлар Президентимиз ташаббуси ва лойиҳаси асосида Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан бунёд этилиб, 2002 йилдан буён фаолият олиб бораётган Термиз археология музейига саёҳат қилишди. Бу ерда Ватанимиз ва воҳамизнинг қадим ўтмишидан то XIX асрга қадар бўлган маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётидан гувоҳлик берувчи 5 мингдан зиёд ноёб экспонатлар хорижлик сайёҳлар эътиборига ҳавола қилинди. Ташриф буюрганлар Археология музейининг 17 минг нусхадан зиёд китоб захирасига эга бўлган ноёб илмий кутубхона ва музейдаги олтин, кумуш, латун, бронза сингари қимматбаҳо металлар сақланаётган намойиш залларини айланиб, ҳайратларини яшира олмадилар.

Дарҳақиқат, Термизга келган меҳмонларнинг ҳайрату ҳаваси, юртимиз тарихига бўлган қизиқиши дилда фахр ҳиссини уйғотади. Айнан шу боис ҳудудда сайёҳлик хизматларини сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтариш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, вилоят марказидаги меҳмонхоналарга жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида 10183 нафардан зиёд меҳмонлар ташриф буюрди. Шулардан 1703 нафари чет элликлар бўлса, 543 нафари МДҲ мамлакатлари фуқароларидир.

Сурхондарё вилоятида 2013 — 2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ, мавжуд меҳмонхоналар реконструкция қилинмоқда. Бундан ташқари, янги меҳмонхоналар қуриш, ресторанлар ва сервис хизмати кўрсатувчи объектлар барпо этиш, қадимий обидаларни қайта таъмирлаш, туризм, транспорт, йўл инфратузилмаларини яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш каби долзарб вазифаларнинг изчил ижроси таъминланмоқда.

— Бу гал учинчи маротаба кураш бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган XI халқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини турнирида иштирок этдим, — дейди Хитой Тайпейилик ҳакам Жуан Да Вей. — Назаримда, ҳар гал келганимда мусаффо осмонида офтоб чарақлаб турган афсонавий Термиз янада яшаргандек туюлади. Шаҳар кўчалари тунлари ҳам ёп-ёруғ. Ростини айтсам, ўтмиш ва келажак уйғунлашган мафтункор шаҳар жамоли, бу ердаги замонавий меҳмонхоналарда яратилган шарт-шароит, ташкил этилган хизматлар инфратузилмаси, тотли ва бетакрор ўзбек таомлари, мезбонларнинг самимияти ҳамда меҳмондўстлиги илк бор келганимдаёқ унутилмас таассурот қолдирган эди. Айниқса, қадимий шаҳарнинг тимсоли бўлмиш Жарқўтон ёдгорлиги, Сополлитепа сингари обидаларни кўриб, уларнинг тарихи ҳақида эшитиб, ниҳоятда таъсирланганман. Бугун юртдошларим орасида Ўзбекистонни, унинг мана шундай кўҳна осориатиқаларини зиёрат қилишни истаётганлар жуда ҳам кўп. Шу боис ҳозир юртимизда янги сайёҳлик йўналишларидан бири — қадимий Термизга саёҳатлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Меҳмон ҳақ гапни айтди. Зеро, Сурхон воҳасининг амалий санъати, миллий ҳунармандчилиги, бой маданий мероси дурдоналари сақланаётган музейлар, осориатиқалар тарихимиз кўзгуси ўлароқ, тилларда достон бўлмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — АМАЛДА



*Қулай сармоявий муҳит тадбиркорлик соҳаси ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ислоҳотлар янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратаётир.*

# Муваффақият мезони

Буни пойтахтимизнинг Сергели туманидаги “Асл ойна” очиқ акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

2008 йилда иш бошлаган мазкур корхона айни пайтда тўла қувватга эришди. Бу ерга ўрнатилган илғор технологик линиялар хориждан келтирилган. Улар 300 дан ортиқ ишчи-мутахассислар томонидан бошқарилмоқда.

Маълумки, техник ва технологик янгиланишларсиз саноатда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Зеро, истеъмолчилар талаби ўзгариши, соғлом рақобат кучайиши билан маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, сифатини ошириб бориш талаб этилади. Буни ҳисобга олган “Асл ойна” мутасаддилари Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқариш қувватларини босқичма-босқич модернизациялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Пировардида корхонада тайёрланаётган шиша буюмлар тури кўпайиб бораяпти.

— Бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси ўринбосари Х. Нормуҳаммедов. — Масалан, модернизациялаш ишлари натижасида 2010 — 2012 йилларда корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18,9 миллиард сўмдан 26 миллиард сўмга ортди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични 28 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек, 6,5 миллион АҚШ долларилик шиша буюмларни қўшни давлатларга экспорт қилмоқчимиз. Бундан ташқари, йил давомида ички бозордаги эҳтиёжни тўлиқ таъминлашга қаратилган амалий ишларни изчил давом эттирамиз. Бу, ўз навбатида, корхонада Маҳаллийлаштириш дастури ижросини босқичма-босқич уддалаш ҳамда “Асл ойна” ёрлиғи туширилган маҳсулотларнинг қарийб 50 фоизини четга сотиш имконини беради.

Изланиш ва ташаббускорлик ривожланиш гаровидир. Корхона жамоаси ҳам эришилган муваффақиятлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Хусусан, айни пайтда бу ерда янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳаллий ва хорижий харидорларни рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти.

**Усмон УСМОНОВ.**


## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**2013/2014 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

***Институтда қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.***

**Бакалавриат таълим йўналишлари**

| *Шифр* | *Таълим йўналишлари* |
|---|---|
| **5111000** | **КАСБИЙ ТАЪЛИМ (йўналишлар бўйича)** |
| | Касб таълими: актёрлик (қўғирчоқ театри актёрлиги) |
| | Касб таълими: режиссёрлик (эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги) |
| | Касб таълими: халқ ижодиёти (фольклор-этнографик жамоалари раҳбари) |
| | Касб таълими: халқ ижодиёти (халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари) |
| **5150200** | **САНЪАТШУНОСЛИК (турлари бўйича)** |
| | Театршунослик |
| | Саҳна ва экран санъати драматургияси |
| **5150300** | **АКТЁРЛИК САНЪАТИ (турлари бўйича)** |
| | Драматик театр ва кино актёрлиги санъати |
| | Мусиқий театр актёрлиги санъати |
| | Қўғирчоқ театри актёрлиги санъати |
| | Эстрада актёрлиги санъати |
| **5150400** | **РЕЖИССЁРЛИК (турлари бўйича)** |
| | Драма режиссёрлиги |
| | Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги |
| | Телевидение ва радио режиссёрлиги |
| **5151400** | **ТЕХНОГЕН САНЪАТ (турлари бўйича)** |
| | Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги |
| **5151500** | **КИНО-ТЕЛЕОПЕРАТОРЛИК** |
| **5151600** | **ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ (турлари бўйича)** |
| | Халқ ижодиёти: фольклор-этнографик жамоалари раҳбари |
| | Халқ ижодиёти: вокал жамоалари раҳбари |
| | Халқ ижодиёти: халқ ашула ва рақс ансамбли раҳбари |
| | ***НУКУС ФИЛИАЛИ*** |
| **5150300** | **АКТЁРЛИК САНЪАТИ (турлари бўйича)** |
| | Актёрлик санъати: эстрада актёрлиги |
| | Режиссёрлик: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги |
| | Техноген санъат (кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги) |
| **5151600** | **ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ (турлари бўйича)** |
| | Халқ ижодиёти: фольклор-этнографик жамоалари раҳбари |
| **5151700** | **Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш** |
| | ***Мутахассисликлар*** |
| 5А150301 | Драма театри ва кино актёрлиги |
| 5А150301 | Эстрада актёрлиги санъати |
| 5А150403 | Оммавий тадбирлар режиссёрлиги |
| 5А151401 | Овоз режиссёрлиги (турлари бўйича) |
| 5А151501 | Кинооператорлик |
| 5А151701 | Маданият ва санъат соҳаси менежменти |
| 5А610401 | Маданиятшунослик |
| 5А610402 | Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этиш (турлари бўйича) |

**Институтга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига тақдим этилиши лозим:**

— ректор номига ариза;
— маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси);
— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— 3,5 х 4,5 см. ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурат;
— паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатлар кўрсатилади ва нусхалари топширилади.

*Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.*

**Ижодий имтиҳонлар 11 июлдан 25 июлгача ўтказилади. Ижодий имтиҳон бўйича консультациялар 3 июлдан бошланади.**

**Абитуриентлар 1 август куни тест синовларини топширадилар. Тест синовлари бўйича консультациялар 26 июлдан 30 июлгача давом этади.**

**Институтда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Абитуриентлар қўшимча маълумотлар учун қабул комиссиясига мурожаат этишлари мумкин.**

***Ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уйда қабул қилинади. Телефон: (8-371) 255-16-08. Факс: (8-371) 255-90-19.***

995А/584



## «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АКга қарашли «Neftgazqazibchiqarish-injiniring» унитар шўъба корхонаси

***2013 йилги молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.***

**Ўз тижорат таклифларингизни 2013 йил 20 июлгача қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 66-уй, «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК, маъмурий бино, 2-қават, 212-хона.**

**Маълумот учун тел./факс: (+99871) 235-35-97, 235-45-82.**

1029А/603



*Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига!*

## Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган асосда сотиб олишга**

**ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Тендер (танлов)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер комиссияси ишчи органининг манзили:**

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 43-уй.

Тел./факс: (8-367) 225-05-33, 225-00-37, 225-33-76, 225-27-36.

Банк реквизитлари: Сирдарё вилояти Ғазначилик бошқармаси, ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919, Марказий банк ББХККМ Тошкент ш.

МФО: 00014, ш/ҳ: 100021860244017072130054002, СТИР: 202419324, ОКОНХ: 97400.

**Тендер (танлов) предмети.**

Харид қилинаётган товарларнинг энг юқори (максимал) баҳоси ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари.**

Барча етказиб берувчилар ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган жойлардаги омборларга тайёр маҳсулотларни етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш муддатлари, тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (танлов) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари сотиб олиш баҳоси — 100 000 сўм ва закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 37 500 000 сўмгача ташкил этади.

Тендер (танлов) ҳужжатлари учун тўлов ва закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (танлов) таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 29 июль куни соат 17.00 (маҳаллий вақт) гача.

**Тендер (танлов) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.**

*Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.*

1045А/617



## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**2013 йил 29 июль куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Қўқон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 августдаги 15-09/21055-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Tico» русумли, ранги оқ, давлат рақами 40 470 МАА.

***Бошланғич баҳоси — 11 196 466 сўм.***

* 1998 йилда ишлаб чиқарилган «Nexia» русумли, ранги яшил, давлат рақами 40 468 МАА.

***Бошланғич баҳоси — 21 167 628 сўм.***

Автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш бўйича такрорий савдо 2013 йил 14 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

2013 йил 29 июль кунидаги аукцион савдоси учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 26 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва ушбу манзилда аукцион савдоси ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Фарғона шаҳри, академик Авлиёхон Муҳаммадиев кўчаси, 64-«А» уй. Мурожаат учун телефон: (+99895) 404-44-78.**

**Гувоҳнома № 004059.**

1052R/870



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-41-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бухоро шаҳри, Баҳовуддин Нақшбанд кўчасида жойлашган, қурилиши тугалланмаган кўп қаватли «Орзу» уй-жой комплекси мулкий мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 3 547 887 682 сўм.***

**2.** Бухоро шаҳри, «Отбозор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, бир гектарлик иссиқхона.

***Бошланғич баҳоси — 1 061 620 331 сўм.***

Шунингдек, аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 июль куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банк Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1053R/1453



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 3 декабрдаги 1-362-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 102-уйда жойлашган, 2008 йилда қурилган, умумий майдони 9507,23 кв.м., қурилиш майдони 894,44 кв.м. бўлган маъмурий ва ёрдамчи бинолар.

***Бошланғич баҳоси — 463 589 300 сўм.***

**2.** Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 79-уйда жойлашган, 1994 йилда қурилган, умумий майдони 3893,75 кв.м., қурилиш майдони 3045,07 кв.м. бўлган омборхона (мебель ишлаб чиқариш цехи) бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 2 628 227 200 сўм.***

**3.** Қарши шаҳри, Туркистон кўчаси, 62-уйда жойлашган, 2008 йилда қурилган, умумий майдони 2579,26 кв.м., қурилиш майдони 1324,81 кв.м. бўлган омборхона ва ёрдамчи бинолар.

***Бошланғич баҳоси — 507 110 900 сўм.***

**4.** Қарши шаҳри, Насаф кўчаси, 79-уйда жойлашган, 1994 йилда қурилган, умумий майдони 3277,70 кв.м., қурилиш майдони 2886,92 кв.м. бўлган омборхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 267 205 200 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Муборак тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 24 июлдаги 2-44-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Муборак шаҳри 4-микрорайон, Занжирсарой шоҳкўчасида жойлашган, умумий ер майдони 227,67 кв.м. бўлган супермаркет биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 206 921 400 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 17 июль куни соат 18.00.

**III.**

**1.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 3 декабрдаги 18-1203/53600-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Мирзо Бобур» фирмасига тегишли, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчасида жойлашган, 2007 йилда қурилган, умумий майдони 1026,84 кв.м., қурилиш майдони 1714,22 кв.м. бўлган, Кунчиқар савдо мажмуаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 200 000 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 3 декабрдаги 18-1203/53600-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, Мустақиллик қўрғонида жойлашган, «Қарши вино-консерва» заводига қарашли, умумий ер майдони 60000,0 кв.м., қурилиш майдони 23462,68 кв.м. бўлган иссиқхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 177 784 200 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қарши шаҳар судининг 2013 йил 7 майдаги 1-279-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сўғдиёна» МЧЖга қарашли, Шаҳрисабз тумани, «Тўдамайдон» ҚФЙ Сувсултон қишлоғида жойлашган, 1991 йилда қурилган, умумий майдони 1488 кв.м., фойдаланиш майдони 1379,84 кв.м. бўлган ёпма ғишт пишириш цехи қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 337 936 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 6 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 август куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй. Телефон: (8-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

1056R/1453



## «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

*савдолар залида 2013 йил 5 август куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 5 апрелдаги 2-174/9-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:*

1. Самарқанд шаҳри, Найман кўчаси, 26-уйда жойлашган 4 хоналик уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 160 303 100 сўм.***

2. Самарқанд шаҳри, Ашхобод кўчаси, 10-уй, 12-хонадонда жойлашган 5 хоналик уй-жой, қурилиш ости майдони 274,51 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 160 452 000 сўм.***

3. Самарқанд шаҳри, Усто Умар Жўрақулов кўчаси, 130-уйда жойлашган 9 хоналик уй-жой, умумий ер майдони, 560 кв.м., қурилиш ости майдони 389,10 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 285 208 000 сўм.***

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда, яъни 2013 йил 2 август куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Sagdiana real servis» МЧЖнинг «Ўзсаноатқурилишбанк» Самарқанд шаҳар «Амир Темур» бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй. Телефон: (8-366) 234-53-50.**

1049R/477



«ХАЛҚ СЎЗИ»га

**ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси “Тезинтом” — “Тезлатгич” МЧЖ бош директори, физика-математика фанлари доктори **Ильяр Расулович ҒУЛОМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Малика Иброҳимовага укаси **Ҳасан ИБРОҲИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси “Ахборот” информацион эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири **Толибжон ТЎРАҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Энг гуллаган ЁШЛИК чоғимда



*Буюк келажагимиз ворисларининг она-Ватанга содиқ фарзанд, фидойи ва шижоатли шахс бўлиб камолга етмоғи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Навқирон авлод вакиллари тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрай биладиган, ўзини юрт тақдирига дахлдор санаб, ғайрат-шижоат кўрсатадиган, эзгу мақсадлар сари интиладиган фаол ҳамда ташаббускор йигит-қизлар сифатида эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамламоқдалар. Бугун улар учун мамлакатимизда бекиёс имкониятлар яратилган.*

*Энг олис қишлоқларда ҳам ёшларнинг замонавий асосда илм олиши, касб-ҳунар сирларини эгаллаши, санъат, маданият ва спорт йўналишларида катта ютуқларни қўлга киритиши учун кўркам ўқув даргоҳлари, санъат кошоналари, турли марказ ва мажмуалар бунёд этилиб, зарур қулайликлар билан таъминланганлиги бунинг амалий ифодасидир. Махсус саҳифамиз орқали ана шундай юксак шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб улғаяётган ва ҳар жабҳада иқтидору салоҳиятини намоён этаётган Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари билан яқиндан танишасиз.*

## Шижоат фасли

**Ёшлик — шижоат фасли. Бу паллада инсон қалбида бир олам эзгу орзулар жўш уриши, табиий. Қораўзак агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Жулдиз Дошетова ўтган йили "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган "Менинг бизнес ғоям" танловида ғолиб бўлиб, имтиёзли кредитни қўлга киритди.**

**Б**унинг эвазига у кичик корхона ташкил этиб, аёллар учун миллий ва замонавий кийимлар, дераза пардалари тикишни йўлга қўйди. Жулдиз айни пайтда ўзи сингари коллежни тугаллаган қизларни ҳам ишга жалб қилган. Ёш чеварлар тикаётган кийим-кечаклар ички бозорни тўлдирмоқда. Қолаверса, улар ўз маҳсулотлари билан дунё бозорига чиқишни ҳам режалаштиришаяпти.

Нукус автомобиль йўл хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Салауат Нуруллаев ҳам ҳеч иккиланмасдан тадбиркорликка қўл урди. Ёш тадбиркорнинг аниқ ва пухта тайёрланган бизнес лойиҳаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан 12,5 миллион сўмлик кредит билан молиялаштирилди. Айни пайтда шу асосда ташкил этилган "Салауат — Нукус" масъулияти чекланган жамиятида аҳоли учун маиший хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Қувонарлиси, Салауат ўзи каби бир неча тенгқурларини ҳам ишга таклиф этиб, уларни доимий даромад манбаи билан таъминлади.

ҒАМХЎРЛИК

— Юртимизда ўз иқтидорингни намойиш этиб, меҳнат қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилгани ёшларни қувонтиради, — дейди тадбиркор Гўзал Сафарбоева. — Нукус тиббиёт коллежида ўқиб юрганимда тадбиркорлик билан шуғулланаётган тенгдошларимга ҳавас қилардим. Коллежни тугаллагач, "Малика дизайн Нукус" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини йўлга қўйдим. Бунда менга "Асака" банкининг Қорақалпоғистон филиали томонидан берилган 12 миллион сўмлик кредит маблағи қўл келди. Айни пайтда корхонамизда оила аъзоларимдан ташқари, яна беш нафар тенгдошим меҳнат қилмоқда. Келажакда иш фаолиятимизни кенгайтириш ниятимиз бор. Бунинг учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Энг асосийси, биз ёшларга қаратилаётган эътибор, берилаётган кенг имкониятлар ташаббусларга қанот бўлмоқда.

— Ўтган йили Қонликўл педагогика касб-ҳунар коллежини битирдим, — дейди ёш тадбиркорлардан яна бири Гулмира Бегдуллаева. — "Микрокредитбанк"дан кредит олиб, оила аъзоларимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, уйимиз яқинидаги бўш ётган майдонни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдик. Натижа ёмон бўлмади. Ҳозир оиламизда катта-кичик барча иш билан таъминланган. Энг асосийси, турмушимизга барака кирди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш, айниқса, улар орасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган йигит-қизларга молиявий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ўз ишини йўлга қўйиб, ҳам оиласига, ҳам юртга нафи тегаётган ёшлар қатори тобора кенгайиб бораётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бугунги ёшларга ҳар қанча ҳавас билан қарасак арзийди. Уларни ҳар томонлама етук, қобилиятли, истеъдодли, ватанпарвар, юртга садоқатли этиб тарбиялаш борасида бекиёс ишлар амалга оширилмоқда.***

## Етуклик мактаби

Биргина бугунги йигит-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган эзгу саъй-ҳаракатларни олиб кўрайлик. Жорий йилнинг ўтган ойларида Қорақалпоғистон Республикасида ўнлаб меҳнат ярмаркалари, "Мутахассислик — сенинг келажагинг", "Касб танлашда адашма" сингари тадбирлар ташкил этилиб, уларга минглаб ёшлар жалб қилинди.

ИНТИЛИШ

Худди шунингдек, Ёшларга ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон ва туғма нуқсони бор болалар бир қатор йўналишлар, жумладан, компьютер курси ва тикиш-бичиш тўгаракларида ўқитилмоқда.

"Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор", "Ёш тадбиркор — юртга мададкор", "Менинг бизнес ғоям", "Энг яхши инновацион ғоя" танловлари ташкил этилаётганлиги эса ёшлар ўртасида ташаббускорликни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Таклиф қилинаётган бизнес лойиҳалар асосида коллеж битирувчиларига банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Жорий йилда кенгаш томонидан таъсис этилган "Энг яхши инновацион ғоя" танловининг мамлакат босқичида биринчи ўринни эгаллаган Нукус тиббиёт коллежи жамоаси айни пайтда танловнинг Осиё давлатлари босқичида қатнашмоқда. Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантириш, уларнинг спортга қизиқишини янада ошириш мақсадида ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида жами 3131 спорт иншооти бўлиб, уларда 329 минг 670 нафар ёш, жумладан, 161 минг 862 нафар қиз мунтазам равишда спорт билан шуғулланмоқда.

Обод турмуш йили муносабати билан ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳам бир қатор маънавий, маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ёшларнинг камолоти, уларнинг жонажон Ватанимизнинг ёруғ истиқболига муносиб тарзда улғайишлари учун барча имкониятлар яратиб берилганки, бу, ўз навбатида, ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

**Ж. АБДУЖАМИЛОВ,**
**«Камолот» ЁИҲ Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси.**

## Эртанги кун — бизники!

Кечагидек эсимда. Эндигина 1-синфни тугаллаган кезларим эди. Отам менга қорақалпоқ болаларининг севимли газетаси "Жеткиншек"ни совға қилдилар. Уни ҳижжалаб ўқий бошладим. Шу тариқа матбуотга ошно бўлдим.

ҚАТЪИЯТ

**Ў**зим ҳам мақолалар, шеър ва ҳикоялар ёза бошладим. Машқларимнинг газета саҳифаларидан ўрин эгаллаши менда келгусида журналистика соҳасини танлашимга туртки бўлди. Илк тўпламим — "Устозим" чоп этилганида 4-синф ўқувчиси эдим. Шундан буён ўқиш билан бир қаторда, бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб келаман. Шеърлар ёзаман, чет эл ижодкорларининг асарларини ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қиламан.

Ҳозир Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида таҳсил олаяпман. Мақсадим, бугунги ахборот асрида журналистикага ўз ҳиссамни қўшиш. Озод ва ҳур Ватанимда кечаётган улкан бунёдкорлик ишлари, жаҳоншумул ўзгаришларни дунё матбуотида ёритиб, юртимиз ёшлари имкониятларини халқаро миқёсда тараннум этиш.

**Несибели МАМБЕТИРИЗАЕВА,**
**Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси.**



## Бахтнинг манзили бор

**Ўзбекистондек бетакрор мамлакатда туғилганимдан, истиқлол даврида ўқиб-улғаяётганимдан беҳад бахтиёрман.**

СУРУР

Зеро, бу муқаддас юртда неки орзу-умидлар қилсак, уларнинг амалга ошиши учун барча эшиклар очиқ. Ўтган йили ҳаётимда янгилик ва қувончлар кўп бўлди. Бир қатор ижтимоий лойиҳаларда иштирок этдим. "Келажак овози" республика кўрик-танловининг Нукус шаҳар босқичи ғолиби бўлдим. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармалари ташкил этган "Таълим гранти", "Камолот" стипендияси" дастурларида қатнашиб, совриндорлар сафидан ўрин эгалладим.

Муваффақиятларимни таъкидлашдан мақсад, мақтаниш эмас, асло, балки бу ютуқлар Президентимизнинг ғамхўрлиги, туфайли эканлигини эътироф этишдир. Бинобарин, мамлакатимизнинг бошқа таълим муассасаларида бўлганидек, бизнинг институтимизда ҳам замонавий ўқув хоналари, лабораториялар, ахборот-ресурс марказлари, спорт кошоналари ўзимизнинг ихтиёримизда. Ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашимиз, эртамиз бугунимиздан ҳам ёруғ бўлиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай экан, бу Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, унинг ишончини оқлаш ҳар биримизнинг эзгу ниятимиздир.

**Айсулув ДИЛМАНОВА,**
**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти талабаси.**

## Ютуқлар пиллапояси

***2012 йил 29-31 август кунлари "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ташкил этилган ёшлар фестивали доирасидаги тадбирларга 55 минг нафардан ортиқ қорақалпоғистонлик ёшлар қамраб олинди.***

2013 йил 19-23 май кунлари Нукус шаҳрида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 140 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Танловнинг 2012 ва 2013 йилги босқичларида Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси 1-ўринни эгаллади.

***"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан 2013 йил 23 март куни бўлиб ўтган "Ёш фермерлар форуми"да 69 нафар ёш фермернинг илғор тажрибалари ўрганилди.***

"Менинг бизнес ғоям" танловининг 2013 йилги Қорақалпоғистон Республикаси босқичида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлардан 550 нафардан зиёд ўқувчи-ёшларнинг бизнес лойиҳалари тақдим қилинди.

***Хоразм вилоятида ташкил этилган "Талабалар баҳори — 2013" ёшлар анжумани доирасида ўтказилган "Ниҳол" театр фестивалида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали жамоаси ғолиб бўлди.***

Истиқлол фарзандлари!
Бу шунчаки оддий ибора эмас. У бизнинг бахтли ҳаётимиз таърифи, умид ва орзуларимиз мазмуни, десак, муболаға бўлмайди.

## Умид ва орзуларимиз асоси

Мен Нукус давлат педагогика институтида таҳсил олаяпман. Институтимизда спортга, айниқса, қизлар спортига алоҳида эътибор берилмоқда. Буни институт қошида ташкил этилган волейболчи қизлар жамоасининг бир неча йилдан буён юртимизда бўлиб ўтаётган кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаб келаётганидан ҳам билса бўлади. Чунончи, ушбу жамоа Ўзбекистон олий ўқув юртлари "Талаба" спорт уюшмасининг 2004 йилги чемпионатида бронза медалини қўлга киритган бўлса, 2005 — 2008 йилларда Ўзбекистон чемпиони, 2007 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган "Универсиада — 2007" мусобақаси чемпиони бўлди. Бухорода бўлиб ўтган "Универсиада — 2013" спорт ўйинлари эса жамоамиз ҳаётида муваффақиятларга тўла янги саҳифа очди, десам, хато қилмаган бўламан. Негаки, жамоамиз кичик Олимпиада, деб ном олган ушбу мусобақада фахрли 2-ўринни эгаллади. Бундай эътироф ва эътибор кўксимизни тоғдек кўтариб, ҳар биримизни янгидан-янги муваффақиятлар сари чорламоқда.

ФАХР

**Дилноза ТОЖИЕВА,**
**Нукус давлат педагогика институтининг волейбол бўйича қизлар жамоаси аъзоси.**





## ҲАР НАҚШДА МЕҲР ЗИЁСИ

АҲД

*Ардоқли ҳунар эгалари сафида эканлигимдан жуда мамнунман. Нега дейсизми? Аслида, болаликдан тикувчиликка қизиқаман. Қўлимга игна-ип олиб чок тикканимда боғча ёшида эдим. Бувим тикадиган қурок ёстиқ ва кўрпача, уй-рўзғор буюмларию кашта-палакларга маҳлиё бўлиб ўтирардик.*

**У** киши эса биз, набираларга чеварлик сирларини ўргатаркан: "Қиз бола ҳунарли бўлса, йўли ҳам ёруғ бўлади", дер эдилар. Мактабни битиргунимга қадар кўрпа қавиш, Қорақалпоғистонга хос бўлган палагу кашталарни тикишни ўзлаштириб олдим.

Кейин эса Чимбой иқтисодиёт коллежини битиргач, ўзим амалиёт ўтаган "Элеонора — Арайлим" корхонасига ишга кирдим. Тикувчиликка ихтисослаштирилган ушбу корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш борасида минтақада нуфузи баланд. Бу ерда меҳнат қилаётган ўн нафардан зиёд ишчи ва касаначи буюртма асосида қорақалпоқ миллий нақшлари солинган либослар, замонавий дераза пардалари, қолаверса, миллий тўқимачилик ва каштачилик буюмлари тикишади. Корхона маҳсулотлари ўз жозибаси билан юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар, шунингдек, пойтахтимизда ташкил этилаётган "Қўли гулдир ўзбек аёлин...", "Базар-арт" кўргазма-ярмаркаларида амалий санъат ихлосмандларининг эътиборини тортиб келмоқда.

Қаранг, куни кеча шогирд эдим, бугун эса амалиётчиларга ҳунаримиз сирларини ўргатаяпман. Мақсадим, хусусий корхона очиб, тадбиркорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш. Бунинг учун мамлакатимизда шароит ҳам, имконият ҳам етарли.

**Гулсара ЕРНАЗАРОВА,**
**ҳунарманд.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 113 202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5